

Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оила ўли

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 8-MART, PAYSHANBA, 31 (7960) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Гўзал диёримизга барчамиз соғиниб кутган баҳор нафаси кириб келаётган мана шу нурафшон кунларда сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан қизгин табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий туйғу ва тилакларимни изхор этишдан бахтиёрман.

Барчамизга аёнки, оналарни, аёл зотини эъзозлаш элюртимиз учун азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган. Бунинг тасдиғини тарихимизда, ҳаётимизда, мумтоз адабиётимизда кўплаб мисолларда яққол кўриш, кузатиш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Аёллар – фаришталарнинг опа-сингилларидир" деган сўзлари замирида нақадар чуқур ҳаётий фалсафа мужассам эканини англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Биз меҳр-муҳаббат ва одабийликнинг илк сабоқларини азиз оналаримиздан, уларнинг бешигимиз узра парвона бўлиб айтган алла оҳангларидан оламиз. Қалбимизда неки олижаноб туйғулар бўлса, уларнинг барчаси аввало оналаримиздандир. Дунёда муқаддас деган сўзга энг муносиб зот ҳам – Онадир. Шу боис токи ҳаёт бор экан, инсон мўътабар Она сиймоси олдида доимо бош эгиб, таъзим қилади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг кўнглимизда, дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаш жоиз, деб биламан.

Биз сизларни – меҳрибон ва мунис аёлларимизни ҳаммаша фидойилик, вафо ва садоқат, нафосат ва латофат тимсоли сифатида улуғлаб келамиз ва умрбод сизлардан миннатдор бўлиб яшаймиз, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз опа-сингиллар!

Сизларга яхши маълумки, мен ўзимнинг чиқишларимда, амалий ишларимда хотин-қизларни улуғлаш, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш масаласига жуда катта эътибор бериб келаман. Она диёримизда яшаётган барча аёлларни дунёдаги энг гўзал ва меҳрибон аёллар деб, Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб, доимо чин қалбдан, юракдан билдирадиган самимий сўзларимни юртимиз ўғлонларининг фикри сифатида, аёл зотида бўлган хурмат-эҳтиром ва севги изхори сифатида қабул қилишингизни истардим.

Мустақил тараққиёт йўлида бошимизга оғир синов ва қийинчиликлар тушган машаққатли даврда айнан сиз, аёлларнинг меҳнатқашлик ва шукроналик, чидам ва сабр-бардош каби юксак инсоний фазилатларни намён этиб, элюртимизда тинчлик ва осойишталикни, жамиятимизда меҳроқибат ва аҳиллик муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда, бугунги мана шундай ёруғ кунларга, бутун дунё тан олаётган марраларга етиб келишда сиз, азизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини мен ҳеч қачон унутмайман ва бу ҳақда доимо миннатдорлик билан такрор ва такрор гапиришга тайёрман.

Мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак ҳурмат-эътибор ва ғамхўрликнинг амалий исботи сифатида кейинги йилларда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Она ва бола, Обод маҳалла, Сихат-саломатлик, Боркамол авлод йиллари муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари, кўплаб фармон ва қарорлар айна шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ана шундай ҳаракатларимизнинг яққол ифодасини ҳозирги вақтда қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, юртимиз, Ватанимиз тобора чирой очиб, бозор ва дўконларимиз, дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлиб бораётганида, айтиш керакики, аёлларимиз ўзларининг нозик елкаларида кўтариб келаётган кундалик ташвишларни энгил қилиш борасидаги ишларимизда, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёт фаровонлиги, турмуш маданияти юксалаётганида кўриш мумкин ва буларнинг барчаси шу заминда яшаётган ҳар бир инсонга мамнуният бағишлайди.

(Давоми 2-саҳифада)



ОИЛА ЧИРОЙИ ВА ЧАРОҒБОНИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА
8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ

Юртимизда баҳор нафаси сезила бошлаган айна кезларда гўзал аёлларимиз байрами – Халқаро хотин-қизлар кунининг нишонланиши ўзгача мазмун-моҳият касб этади. Бу айём, азиз аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрнига мос равишда, катта шоду хуррамлик билан кенг нишонланади.

Мустақиллик майдонида қад ростлаган хурриятимиз, порлок истикболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи – Бахтиёр она ҳайкали юртимизда хотин-қизлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг, оила кўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

7 март куни хотин-қизлар

қўмиталари фаоллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар ушбу монумент пойига гуллар қўйдилар.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куну муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда турли соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, нуруний онахонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчилар, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими вазифаси-

ни бажарувчи Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятларини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Боши 1-саҳифада)

Бугунги кунда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳокимият ва бошқарув идоралари, вакиллик органлари фаолиятида, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирок этишини таъминлаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўйбга чиқариши учун имконият яратиш мақсадида олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз тобора кучайиб, ўз ҳосили ва самарасини бераётгани айниқса эътиборлидир.

Юртимиздаги ҳар қайси ота-она, бутун халқимизнинг эзгу орзуси бўлмиш ҳар томонлама соғлом наслин вояга етказишда «Соғлом она – соғлом бола» дастури доирасида барча ҳудудларимизда перинатал ва скрининг марказлари, минглаб қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, ихтисослаштирилган шифохоналар ҳамда шошилиқ тиббий ёрдам хизматидан иборат замонавий тизим яратилгани аҳолимизнинг, биринчи навбатда аёлларимизнинг саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида қўйилган тарихий қадам бўлди.

Бу ҳақда гапирганда, мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими 3 марта камайгани, аёлларнинг ўртача ёши 67 ёшдан 75 ёшга кўтарилгани, ҳеч шубҳасиз, айнан ана шундай амалий ҳаракатларимизнинг самараси, десак, хато бўлмайди.

Кейинги пайтда мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқро анжуманларда соғлиқни сақлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим-тарбия соҳаларида биз қўлга киритаётган улкан натижалар дунёдаги кўзга кўринган олим ва мутахассислар, нуфузли халқро ташкилотлар томонидан юксак баҳолашиб, ибрат сифатида эътироф этилгани сизларга яхши маълум, албатта. Биз эришган бундай ютуқлар негизида авваламбор сиз, жонқуяр ва фидойий опа-сингилларимизнинг билим ва тажрибаси, машаққатли меҳнати мужассам эканини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Хурматли ватандошлар!

Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маънавий соғломлигининг асосий мезони аввало оиланинг аҳиллиги, оиланинг мустаҳкамлигида намоён бўлади.

Шу маънода, 2012 йилнинг юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши «Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойилни ҳаётимизда қарор топтиришда, ҳеч шубҳасиз, янги, юксак бир босқич бўлади.

Ҳаммамизга маълумки, яқинда биз бу борада кенг миқёсдаги амалий тадбирларни ўз ичига олган давлат дастурини тасдиқладик. Ушбу дастур ижросини таъминлаш учун 1 триллион 500 миллиард сўмга яқин ва 114 миллион доллар миқдоридagi кенг қўламли маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фаол иштироки талаб этилишини барчамиз яхши тушунаимиз. **Айни вақтда шунини алоҳида таъкидлаш керакки, оилани ҳақиқатан ҳам мустаҳкам оила қилиш, уни том маънода жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўлишига айлантиришда хонадонларимизнинг чироғи, кўрки ва файзи бўлган сиз, хурматли аёлларнинг ўрни ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди ва бу вазифаларни адо этишда мен сизларга, сизларнинг улкан салоҳиятингизга ишонаман.**

Мухтарам юртдошлар!

Биз мустақил тараққиёт йилларида – тарихан қисқа бир даврда беқийс ютуқ ва марраларга эришдик. Биз қўлга киритган юксак натижаларни дунё тан олди. Энг муҳими – юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, иқтисодийетимида барқарор ўсиш суръатлари билан ривожланиб бормоқда.

Биз ўз олдимиизга қўйган узоқ муддатли улкан мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар каторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш вазифаси барчамиздан бирдамликни, бир ёқадан бос чиқариб, ўзимизни аямасдан, астойдил меҳнат қилишни талаб этади ва бу борада мен олижаноб, бағрикенг халқимизни, сиз, мухтарам аёлларимизни бундан бундан ҳам ўзининг энг яқин маслаҳодим, таянчим ва суянчим, деб биламан.

Қадрли опа-сингиллар!

Сизларни баҳор элчиси бўлган, ўзингиздек гўзал ва дилбар байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Фарзандларингиз ва яқинларингиз, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ОИЛА ЧИРОЙИ ВА ЧАРОҒБОНИ

(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг ижроси хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган «Соғ-

шаббуси билан амалга оширилган ушбу тадбир мамлакатимиздаги минг-минглаб қизларга муносиб байрам тўғриси бўлди. Зеро, бу дунёнинг ҳеч бир мамлакатидида мавжуд бўлмаган, халқимизнинг бетимсол кадрятларига уйғун эзгу ва ноёб аъённади.

Энг муҳими, бу хайрли иш қизларда спортга иштиёқни оширади. Бу келгусида спорт билан шугулланувчилар сафининг янада кенгайишига, уларнинг соғлом, бақувват ва мустаҳкам иродали бўлишига ҳамда баркамол авлодлар-

этиш мақсадида уч минтақавий Бизнес-инкубатор фаолияти йўлга қўйилади, бизнес-форумлар, семинарлар ташкил этилади. Фертиль ёшдаги аёллар ва қизларни комплекс тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш қамрови янада кенгайди.

– Ушбу байрам тадбирига ййилган, юртимизнинг турли ҳудудларидан келган ҳар бир хотин-қизнинг юзидида мамнуният ифодасини кўриш мумкин, – дейди Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 59-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, «Шухрат» медали соҳибаси Арофатхон Усмонова. – Бу уларнинг жамиятда ўз ўрнини топгани, фарзандлари камолни кўраётгани, оиласи мустаҳкам ва фаровонлигидан далолатдир.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари – Наманган давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Шохидо Зоҳидова ва бошқалар хотин-қизларни жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Сарой фойсидида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Бадий академия, «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида бадий, хунармандчилик ва касаначилик махсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Ййгилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА муҳбири.



лом она – соғлом бола» мақсадли дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар дунё ҳамжамиятида катта ҳайрат ва ҳавас уйғотмоқда. 2011 йили Тошкентда бўлиб ўтган халқро симпозиумда ҳам бу Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқро ташкилотлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган савий-ҳаракатларда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутди. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, спортнинг қизларимизга мос турлари жадал ривожланмоқда.

Хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш мақсадида ушбу байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўқувчи қизларга махсус спорт кийимлари топширилди. Президентимиз та-

нинг дунёга келишига хизмат қилади.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан таълим муассасаларида ташкил этилаётган «Ораста қизлар» тўғраги ўқувчи ва талаба қизларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти билан таништириш, уларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, ўз саломатлигини асраб-авайлаш учун шахсий масъулиятини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, соғлигини сақлаш, оғирини енгил қилиш йўлида қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар белгиланган.

Дастурга биноан, жорий йилда кичик бизнес ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобига аёлларимиз учун 240 мингга янги иш ўрни яратилади. Уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб

ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ МУНОСИБ ИЗДОШЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан иқтидорли қизларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рабатлантириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти истеъдод соҳибалари сафининг янада кенгайиши, уларни янгидан-янги ижодий марралар сари руҳлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан "Обод юртининг бахтли қизлари" мавзуида ўтказилган маърифий тадбирда бу жиҳатлар яна бир бор ўз тасдиғини топди. Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида бўлиб ўтган тадбирга 2012 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилган қизлар, маънавий тарбиячилари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари М.Орифжонов, халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши бошқаруви раиси Б.Ғаниев, Сингапур менежментни ривожлантириш институти ректори Ф.Ризаев ва бошқалар ёшларни соғлом ва баркамол, буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказиш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши эканини таъкидлади. Бу жараёнда, айниқса, истеъдодли қизларни ҳар жиҳатдан рабатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу маънода Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши адабиёт, фан, таълим, маданият, санъат каби йўналишларда изланаётган истеъдодли қизларни ҳар жиҳат-

дан қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенг жамоатчиликка, халқимизга яқиндан таништиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур мукофот соҳибалари бугун деярли барча соҳаларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Қорақалпоқ давлат университетининг педагогика факультетида жисмоний тарбия йўналиши бўйича билим олаётган Замира Алиева жорий йилда ушбу нуфузли мукофотга сазовор бўлди. Болалигидан қаратиб билан шуғулланганидан Замира 2007-2008 йилларда Малайзияда ўтган халқаро мусобақаларда икки олтин ва бир кумуш медални қўлга киритди, Италиядаги халқаро мусобақаларда эса кумуш ва бронза медал билан тақдирланди. Хитой, Болгария, Голландия сингари давлатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда ҳам Замирага омад кулиб бокди.

Ўзбекистонимиз – бахтиёр ёшлар мамлакатидир, – дейди З.Алиева. – Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор ҳар бир ёш учун янгидан-янги, улкан имкониятлар яратмоқда. Бундай юксак эътибор ва ишонча муносиб бўлиш бизнинг чин фарзандлик бурчимиздир. Мамлакатимизда қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида олиб борилаётган ибратли ишлар ҳар бир қизнинг ўз саломатлиги учун масъулиятни ҳис этишга,



янада фаолроқ бўлишга ундамоқда.

Зулфияхошим қизлари иштирокида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилган учрашувда мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳалардаги бетимсол ислохотлар мустақил ва соғлом тафаккурли авлодларни вояга етказишга йўналтирилгани таъкидланди. Ёшларда юксак маънавиятни тарбиялаш улар онгу шуурини миллий менталитетимиз учун ёт ва бегона зарарли ахборотлар оқимидан, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоялашда муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбир қатнашчилари Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилган замонавий "Маърифат маркази", бу ерда жойлашган Миллий кутубхонада яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, қўлайликлар билан танишди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг жорий йилги соҳибаларидан яна бири Самарқанд иқтисодий ва сервис институти қошидаги академик ли-

цейнинг 3-курс ўқувчиси Муҳайё Аҳмадова. У 2011 йили Голландиянинг Амстердам шаҳрида математика фани бўйича бўлиб ўтган 52-халқаро олимпиадада махсус сертификатни қўлга киритди.

Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ҳамда Симпозиумлар саройини ўзида мужассам этган бундай мухташам «Маърифат маркази»нинг қад ростлаши илм-фан, таълим-тарбия, маънавий соҳаси фидоилари, айниқса, биз, ёшлар учун Президентимиз томонидан яратилаётган улкан имкониятларнинг амалдаги ифодасидир, – дейди М.Аҳмадова. – Юртимизда бошқа соҳалар каби аниқ фанлар, инновация, ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда.

Тадбир қатнашчилари шойра Зулфияхошим ҳайкали пойга гуллар қўйдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида Ватан ҳимояси, халқ тинчлиги ва осойиштамлигини сақлашдек шарафли вазифани адо этаётган хотин-қизлар иштирок этди.

ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБАЛАРИГА ЭХТИРОМ

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Б.Матлюбов мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама ҳимоялаш билан бирга уларнинг ўз имконият ва салоҳиятини рўйбга чиқариши учун барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилаётганини таъкидлади. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, вояга етмаганлар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясининг ишонли кафолатлари яратилгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда алоҳида ўрин тутмоқда.

Соҳада хизмат қилаётган аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлигини сақлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармаси катта инспектори, майор Фарид Нормухамедова. – Давлатимиз раҳбари томонидан бундай юксак эътибор ва ғамқўрликка муносиб равишда фидокорона хизмат қилиш, халқимиз осойишталигини таъминлаш бизнинг бурчимиздир.

Тадбирда санъаткорларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири.

«Жиззах-Кўхинур»:

ЖОЗИБАДОР АТЛАСУ АДРАСЛАРДА ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИНИНГ ҲУСНИ, ҲАЁСИ МУЖАССАМ

Бундан ўн беш, йигирма йиллар илгари Жиззахда пиллани қайта ишлаш фабрикаси ишга тушади, у ерда миллий урф-одатларимизга мос ва хос атлас ҳамда адрас ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, дейилса эҳтимол кўпчилик ишонмаслиги мумкин эди. Энди-чи, тамоман бошқача. Сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган корхона мисолида айтиш мумкинки, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўлароқ барча соҳалар қатори энгил сановат ҳам илдам одимлар билан ривожланмоқда. Айниқса, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури асосида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

дан зиёд хотин-қиз ишлаётир. Ҳозирда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот Туркия, Эрон, Покистон давлатларига жўнатиляпти. Жумладан, ўтган йили 500 минг АҚШ доллари миқдоридидаги хомашё экспорт қилинди. Бундан ташқари, корхона қошида адрас ва атлас ишлаб чиқариш цехи ишлаб турибди. Ҳозирга қадар қўшни вилоятларга 40 минг метр, маҳаллий аҳоли талабига мос 30 минг метр ад-

ласдан келинлар либослари, элита усулидаги пардалар, чойшаблар тикилмоқда. Бу – корхонага яхшигина даромад олиб келишдан ташқари хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини бераётир.

Қилинаётган ишлар самараси вилоят миқёсидаги анъанавий кўрик-танловларда кўзга яққол ташланаяпти. Чунончи, корхона раҳбари, тадбиркор Холисхон Бобоева ўтган йили ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти саройини учун ўтказилган «Ташаббус-2011» кўрик-танловнинг Жиззах шаҳар ҳамда вилоят босқичида иштирок этиб, «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинацияси қолиби бўлди. Республика босқичида 3-ўринни қўлга киритди. Истиқлолимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Дўппи тикдим ипақлари тиллодан» кўрик-танлови вилоят босқичида биринчи ўрин ҳам айнан Холисхон Бобоевага насиб этди.

Жамоа ҳақида кўп ва ҳўп гапириш мумкин. Кишини қувонтирадиган энг муҳим жиҳат шундаки, ёшлар қўлида сайқал топиб, янги жило ва жозоба билан намоев бўлаётган, товляниб, қизларни қамаштираётган атласу адрасларда ўзбек қизларининг ҳусни, латофати, ибосию андишаси яққол намоев бўлиб турганга ўхшайди. Жиззахлик тадбиркорлар ҳиндистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда хинд сарилари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Бу борадаги интилиш корхона мавқиеи яна бир поғона юқори кўтариш имконини берса, не ажаб. Режалар корхона истиқболини белгилаб бермоқда.

Лазиз МАМАТҚУЛОВ

Буни «Жиззах-Кўхинур» пиллани қайта ишлаш фабрикаси мисолида ҳам қўриш мумкин. 2006 йилда корхонада 11 нафар ходим қандолатчилик билан шуғуллана бошлаганди. Мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонларга яратиб берилаётган имконият ва шароитлардан самарали фойдалана билган жамоа ўз фаолиятини кенгайтириб, 2007 йилда шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу эса кўшимча иш ўринлари яратилиши ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмининг орттишига олиб келди. Натижанда нисбатан арзон, сифатли маҳсулотларга харидор кўпайди. Маҳаллий бозор ўрганилиб, янги-янги имкониятлардан фойдаланила бошланди.

Ўрганиш ва изланишлар тадбиркорликнинг яна бир йўналишини кўрсатиб берди. Маҳаллий хомашё – пиллани қайта ишлашни ўзлаштириш, шу орқали харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш гоёси пайдо бўлди. 2010 йилда «Қишлоқ қуриш банк»нинг вилоят бўлими томонидан 450 минг АҚШ доллари миқдорда кредит маблағи ажратилди. Қисқа вақт ичида Хитойдан янги технологиялар олиб келиниб, ўрнатилди. Йилига



300 тонна пилла хомашёсини қайта ишлаш ҳамда 70 тонна ипақ калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу корхонада бугунги кунда 200 нафар-

рас ишлаб чиқарилди. Мижозлар талаби ўрганилиб, шу жойнинг ўзида тилкуччилик цехи ташкил этилди. Тайёр хомашёдан кўрпа-ёстиқ, адрас ва ат-

ПРЕЗИДЕНТ СОВГАЛАРИ

спортчи қизларни руҳлантирмоқда



Президентимиз Ислам Каримовнинг доимий эътибори туфайли юртимиз довруғини жаҳонга таратаётган спортчилар орасида хотин-қизларнинг салмоғи ортиб бораётир. Бу мамлакатимиз спортини ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самараларидандир. Айни кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида спорт билан шуғулланаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи-қизларга Президент совгалари – спорт кийимлари топширилаётгани бу борадаги ишларнинг – ғамхўрликнинг амалий кўринишидир.

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Нукус Олимпия захиралари коллежида спорт билан шуғулланаётган ўқувчи қизларга Президентимиз совғасини топшириш тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, сўнгги йилларда Оролбўйида ҳам бир қанча спорт иншоотлари фойдаланишга топширилиб, ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига катта шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, 2003-2011 йиллар мобайнида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 106 та спорт иншооти қурилди ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Нукус спорт коллежи ва Олимпия захиралари коллежида сузиш ҳавзаларининг фойдаланишга топширилиши ёшларимизга сув спорти билан шуғулланиш имконини берди.

Юртбошимизнинг раҳнамолигида спортга берилган эътибор, яратилган имкониятлардан самарали фойдаланаётган қорақалпоғистонлик спортчи қизлар халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб келмоқда. Хусусан, каратэ бўйича 2010 йили Голландия мамлакатида бўлиб ўтган Европа очик чемпионатида Замира Алиева, 2010 йили Сингапурда бўлиб ўтган биринчи ёшлар олимпиадасида эркин кураш бўйича Нилуфар Годоева, эшак эшиш бўйича 2011 йили Сингапурда ўтказилган халқаро мусобақада Айсара Байлеясова ва Раўшан Сапарбоевалар совриндорлар қаторидан жой эгаллади.

Президент совгаларини топшириш барча ҳудудларда бўлиб ўтмоқда.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси Б.Янгибоев иштирок этди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Қибрай туманида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда туман ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мураббийлар, таълим муассасалари ўқувчилари, спортчи қизлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Айни пайтда туманда уч минг нафардан ортиқ бола спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг 1 минг 750 нафардан ошмига ўқувчи-қизлардир. Туманда спортнинг бадий гимнастика, стол тенниси,



волейбол, баскетбол, миллий кураш, шахмат каби турлари кенг оммалашмоқда. Қўлаб умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида бадий гимнастика тўғрақлари фаолият юритаётир. Уларда 100 нафардан ортиқ қиз ушбу спорт тури

билан мунтазам шуғулланмоқда. Жорий йилда яна иккита бадий гимнастика тўғраги фаолияти йўлга қўйилади.

– Кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик учун Президентимиздан чексиз миннатдоримиз, – дейди тумандаги 1-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Зебо Юсупова. – Келгусида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган етук спортчилар бўлиш учун янада фаолроқ бўлишга ҳаракат қиламиз.

Бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Раимқул СУЯРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ. Қарши шаҳридаги «Геолог» спорт-соғломлаштириш марказида спорт билан шуғулланаётган ўқувчи-қизларга Президент совгалари – спорт кийимлари топширилди.

8 Март – Халқаро хотин-қизлар кун арасида бу тадбир ўзгача байрам тусини олди. Дастлаб мусика садолари остида спортнинг футбол, у-шу, қўл жанги, ўзбек жанг санъати, баскетбол, дзю-до турлари бўйича кўргазмалар чиқишлар намойиш этилди. Тадбирда 2 мингга яқин спортчи қизларга Прези-



дент совгалари топширилди. Улар орасида вилоят, республика, Осиё ва жаҳон спорт ареналарида ўзларининг маҳоратларини дадил намойиш этган иккидори ёш спортчи қизлар бор.

Шундан сўн тадбирда сўз олганлар муҳтарам Президентимиз томонидан мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги, жойларда, ҳатто узоқ ва чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари қад ростлаётганлиги, бу соғлом авлод камолоти йўлида хизмат қиладиганлигини алоҳида таъкидладилар.

– Қувончимнинг чеки йўқ, – дейди Қарши шаҳридаги 5-мактабининг 7-синф ўқувчиси Гаваҳ Арслонова. – Шундай чиройли спорт кийимларига эга бўлганлигимиздан гоёат бахтиёрман. 2011 йилда ёшлар ўртасида спортнинг каратэ тури бўйича мамлакат чемпионлигини қўлга киритдим. Яратиб берилган шароитлар учун Юртбошимизга раҳматлар айтишаман.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида жами 25 минг 200 нафар спортчи қизга Президент совгаларини топшириш тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Тадбирда вилоят ҳокими Т.Жўраев иштирок этди.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Жиззах шаҳридаги теннис корти мажмуасида бўлиб ўтган маросимда спорт фахрийлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-



қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Бугунги кунда вилоятда 3 минг 476 нафар ўқувчи қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан буён ўтган даврда Жиззах вилоятида 83 спорт иншооти қурилди, ишга туширилди ва реконструкция қилинди. Уларнинг барчаси спорт хиёзолари билан таъминланди.

Тадбирда 1 минг 280 нафар спортчи қизга спорт кийимлари топширилди. Улар орасида 60 нафар халқаро ва республика миқёсидаги спорт усталари, мамлакат ва жаҳон чемпионлари бор.

– Мамлакатимизда биз, спортчи қизларга кўрсатилаётган бу ғамхўрликка Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда янада муносиб ҳимоя қилиш билан жавоб берамиз, – дейди тазкандо бўйича уч қарра республика чемпиони Нарғиза Ҳожиева.

Спортчи қизларга совгаларини топшириш маросимлари вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Тадбирлар доирасида вилоят бўйича 8 минг 578 нафар қизга спорт кийимлари совға қилинади.

Шодидёр ЙҮЛДОШЕВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

СИРДАРЭ ВИЛОЯТИ. Гулистон шаҳридаги «Алломиш» спорт мажмуасида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, маҳаллий ҳокимликлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим муассасалари вакиллари, спортчи қизлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Сирдарэ вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 66 та замонавий спорт иншооти ва мажмуалари бунёд этилди. Қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун нафақат шаҳарлар, балки қишлоқ жойларда ҳам зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Тақдирлаш маросимида 668 нафар спортчи қизга Президент совғаси – спорт кийимлари тантанали равишда топширилди.

Бундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтмоқда. Уларда 4 минг 555 нафар ўқувчи-қизга спорт кийимлари берилди.

Тадбирда Сирдарэ вилояти ҳокими О.Ашурматов иштирок этди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

НАФОСАТ БЕЛЛАШУВЛАРИ

Бугун юртимизда барпо этилган замонавий, барча қўлайликларга эга болалар спорт мажмуаларининг ёшлар билан гаўжулиги, уларда болалар ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланиб, ўз истеъдод ва маҳоратини халқаро майдонларда намойён этаётгани ҳам ана шу эътибор самарасидир. Айниқса, хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш йўлидаги эзгу ишлар самараси ўларок, спортнинг қизларга мос бўлган нафис турлари ривожланмоқда.

Бу борада турли мусобақалар ва спорт фестивалларини ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Сен

ёлғиз эмассан» Республика болалар жамоатчилик жамғармаси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилган спорт фестивали ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Илк маротаба

ташкил этилган мазкур фестивалда 300 нафардан зиёд иштирокчи спортнинг бадий гимнастика, спорт рақси, сузиш ва синхрон сузиш турлари бўйича голиблик учун кўч синашдилар.

Фестиваль ёш иштирокчиларини қизгин беллашувларга чорлаш баробарида улар ўртасида ўзаро дўстлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик фазилатларини шакллантиришга, таҳриба алмашиш ҳамда ўз истеъдод ва маҳоратини намойён этишлари имконият яратди. Бундай оммавий спорт беллашувларида иштирок этиш ёшларда спортга бўлган қизиқишни янада оширади ҳамда уларнинг соғлом бўлишига, чи-

ниқишига ёрдам беради.

Қизларни спорт турларига кенг жалб қилиш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли, фойдали ўтказишга қаратилган ушбу фестивалда бадий гимнастика бўйича С.Қосимова, З.Йўлдошева, С.Тошкенбоева, спорт гимнастикаси беллашувларида Т.Исломова, П.Яковлева, В.Орлова, спорт рақси бўйича М.Суфинова, В.Гулжигитова, сузиш баҳсларида М.Тўлкинова, Х.Шомансурова, З.Тошхўжаева, Д.Шокирова, Н.Расулова, синхрон сузишда Ф.Тошхўжаева, Л.Шомақсудова, А.Морозова сингари ёш спортчи қизлар голибликни қўлга киритди.

Ҳали ва совриндорлар эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Гулноза ТУРҒУНБЕКОВА,
«Qishloq hayoti» мухбири.

АЁЛ БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказида Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда "Аёл билан олам мунаввар" мавзуда адабий-муслиқий тadbир ўтказилди. Унда илгор ўқитувчилар, маънавият тарбиётчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, ҳаيات ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш борасидаги изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкид-

ланди. Бу жараёнда аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш — доимий эътиборда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан мамлакатимиздаги таълим масканларидан ташкил этилган "Ораста

қизлар" тўғрақлари қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, ҳаёт, ватан олдидидаги масъулиятини кучайтириш, ҳуқуқий билиминини юксалтириш, уларга ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳалардаги кенг қўламли ислохотлар аҳамиятини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Коллежимизда чеварлик, заргарлик, бадий либослар, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги сингари йўналишларда мутахассислар тайёрланади, — дейди Тошкент қурилиш ва миллий хунармандлик касб-хунари коллежи ўқитувчиси

Дилфуза Ёрмухамедова. — "Ораста қизлар" тўғрагининг ташкил этилгани бу ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ўқувчи-қизлар ўз йўналиши бўйича пухта билим олиши, касб-хунари сирларини эгаллаши билан бирга фан, бадий ижодиёт тўғрақларида фаол қатнашмоқда. Коллеждаги сузиш ҳавзаси, спорт зали, теннис майдони ёшлар ихтиёрида.

Тadbирда таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Хоразм Вилояти

Урганч суратлар галереясида байрамлар муносабати билан турли мавзудаги кўргазмалар ташкил қилиш, бунинг билан қадриятларимизни улуғлаш, миллий маданият ва санъатимизни тарғиб этиш анъанасига айланиб бормоқда.

МУСАВВИРЛАР ЭЪТИРОМИ

8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами олдида ташкил қилинган бу гагли суратлар кўргазмаси аёлларга бағишланди. Неча асрлардан буюн инсон ҳаёти давомчиси бўлган аёл образини яратиш, ранглар орқали бу муътабар зотнинг ички ва ташқи гўзаллиги — тафаккурини, фарзандларга бўлган меҳрини, табиатга, кишиларга аталган муҳаббатини, севгию вафосини ифодалаш мусаввирларимизнинг асосий мавзуларидан бири бўлиб келган.

Кўргазмага қўйилган академик расом Раҳим Аҳмедовнинг 1956 йилда яратилган "Она ўйлари", Юсуф Елизаровнинг 1949 йилда яратилган "Қиз" портретлари, шунингдек, иктидорли расомлар Римма Гаглоеванинг "Найрадан хат", Эржабой Машариповнинг "Дола Абдуллаева портрети", Ширин Тошеванинг "Тун маликаси" асарлари киши эътиборини ўзига тортади, кишиларни мушоҳада қилишга ундайди.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.



САФЛАРДА САФАРБАР СОҲИБЖАМОЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари сафларида нафақат йигитлар, балки ўзларининг намунали хизматлари билан ҳамкасблари ўртасида ҳурмат ва эътиром қозониб келаётган хотин-қизлар ҳам фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Катта сержант Ёдгора Содиқова мана бир неча йилдирки соҳада масъул лавозимларда ишлаб келмоқда.

— Ҳарбий либосдаги қизларни кўриб, уларга ҳавас қилардим. Мана ўзим севган соҳада хизмат қилмоқдаман, — дейди катта сержант Ёдгора Содиқова. — Киши ўз касбини яхши кўрса, иштиёқ билан ишлайди, меҳнатидан завқ олади. Ҳарбий соҳада хизмат қилишнинг ўзига яраша машаққатлари ҳам бор, албатта. Айниқса, аёл киши учун. Аммо мен ушбу фахрли соҳани танлаганимдан зинҳор афсусланмайман.

Шахло БОБОЕВА,
ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси инспектори.

ҚАЛАМ НЕГА ЁЗМАДИ?

1500 га яқин китоб ёзган ҳиндистонлик буюк олим Ашраф Али Таҳонавий "Баёнлу Қуръон" деб номланган тафсирини ёзаётган пайтлари аёллари у кишига иш буюрибди: "қафасдаги қушга донини бериб, сўнг мадрасага кетинг". (Шундай буюк зотларга ҳам аёллари иш буюраркан).

Ҳазрат "Баёнлу-Қуръон"нинг ҳаёлида аёлларининг ганини эсдан чиқариб, мадрасага кетаверибдилар.

Шу зотнинг шогирдларидан Шафъё Усмоний айтди:

"Агар бир одамнинг 1500 та китоб ёзишига қимқи шубҳа қиладиган бўлса, унга икки гуноҳкор кўзим билан кўргангани айтиб берай: "Мен Таҳонавийнинг қаламини қўли тегмаган ҳолда китобнинг устида айланиб ёзаётганини кўрганман".

Уша куни тафсирини давом эттирмоқчи бўлган олимнинг қалами қимирламабди. Ҳарчанд уриниб, уни юргизишга ҳаракат қилмасин, қалам турган жойида тураверибди. Шунда Яратганга "Ё, Аллоҳим, мен ҳар доим ёзишга ўтирганымда қалам ўзи ёзишни бошларди, менадан нима гуноҳ содир бўлдики, бугун қаламим ёзмапти" деб нола қилибдилар. Шунда қуш эсга тушиб, қаламни ташлаганча, уйга югуриб кетибдилар.

Уйга бориб, қушга дон бериб келганларидан сўнггина қалам қимирлаган экан. Қалам ёзишни бошлаган жой эса "Нисо" сурасидаги "Аёлларингиз билан яхши муомалада бўлинглар!" деган оят экан.

Тошкент Вилояти

Гулнора Мияссарова нафақат Янгийўл туманида, балки Тошкент вилоятида муҳим ўрин тутувчи корхоналардан бирининг раҳбари. Катта жамоага бош. Айниқса, бозор иқтисодиётига бошқичма-бошқич ўтилаётган, ўзгаришлар жараёни кечаётган, ислохотлар амалга оширилаётган шундай даврда ушбу лавозимда фаолият юритиш осон эмас.

Ҳозирги кун уддабуронлиқни, жамоа аъзоларининг қувонч ташвишларига шерик бўлишни, муаммоларни тезкорлик билан бартараф эта олиш ҳислатларига эга бўлишни тақозо этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда Халқобод таъмирлаш устaxonаси раҳбари Гулнора Мияссаровани ҳам ана шундай инсон деб айта оламиз. Мана, етти йилдирки, у ўз ишини ҳавас қиладиган даражада ўринаб келяпти.

Бу унчалик узоқ муддат эмас. Лекин ана шу қисқа давр ичида серғайрат она ўз иқтидорини намойён қила олди. Ишчи-хизматчиларнинг, маҳалладошларининг ишончини қозонди. Обру-эътиборга сазовор бўлганлиги сабабли Гулнора Мияссарова халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати этиб



Гулнора она ибрати

сайланди. Кўпнинг меҳрини қозонишининг ўзи бўлмади, албатта. Янгийўл шаҳридаги 10-умумтаълим мактабини тамомлагандан кейин ўттиз йиллик ўқиш ва ишлаш жараёнида у кўп тажриба орттирди. Билим ва малакаси ошди. Ҳаётнинг паст-баланд йўллари, бир неча жамоада фаолият олиб бориши, турли кишилар билан меҳнат қилиши унга катта сабоқ бўлди. Халқ хўжалиги институтининг иқтисод факультетини тугаллагач, иқтисодчи, товаршунос, ҳисобчи бўлиб бир неча жойда ишлади. Қаерда ишлаганин, ўз вазифасига сидҳидилдан, масъулият билан ёндашди.

Гулнора онанинг айтишича, мана шундай мартабага эришиш, билимли,

зиёли бўлиб етишишида онаси Турсунной аянинг ҳиссаси катта. Турсунной она турмуш ўртоғи оламдан ўтганидан кейин фарзандларини ўзи тарбиялади. Олти нафар ўғил-қизининг, жумладан, Гулноранинг олий маламуотли бўлиши учун жон қуйдирган.

Ҳаёт бир текисда кечмайди. Унинг йўллари гоҳида равон, гоҳида ўйимчуқур. Қувончу ташвиш доимо ёнмаён юради. Мунтазам олға интилувчи, синовларга бардош берувчи инсонлар кишинчиликларни мардонвор сибоб ўтадилар. Гулнора она ҳам ана шу синовли сўқмоқлардан ўтишга тўғри келди. Турмуш ўртоғи Аҳмаджон Мияссаров оламдан ўтгач, бир ўғил,

бир қизни тарбиялаш, улгайтириш, ўқитиш, уйли-жойли қилиш унинг зиммасига тушди. У фарзандларига ҳам ота, ҳам она меҳрини беришга, баркамол, юртга қайишадиган, ўқимшли инсонлар қилиб тарбиялашга интилди.

Ўғли Азиз ҳуқуқшунос, қизи Рухсона эса фармацевт бўлди.

Гулнора она жамоага бошчилик қилаётган йилларда корхонанинг молиявий аҳоли янада яшилди. Маблағ айланмаси бир неча маротаба ортди. У ишга келган пайтда бу ерда жами 30 киши ишлаган бўлса, айни кунларда 70 киши меҳнат қилмоқда. Уларга етарли шарт-шароитлар яратилган. Электр двигателларни қайта таъмирлаш, сим кешиш, токарлик цехлари фаолият кўрсатмоқда. Корхона шартнома асосида Тошкент "Пахтасаноят" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналарида таъмирлаш ишларини олиб бориш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

Устaxonада ишловчиларга гамхўрлик қилиш доимий диққат-эътиборда. Байрамларда дастурхон ёзилиб, совға-саломлар топширилади. Маданий тadbирлар ўтказилади. Ишчи-хизматчиларни Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларга саёхатга олиб бориш уюштирилади.

Меҳнатсевон, тadbиркор раҳбар, оилада меҳрибон она — Гулнора Мияссарова ана шундай инсон.

Аҳмаджон РИХСИБОНОВ
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.



«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧК НАВОЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навой вилояти, Нурота тумани ҳокимининг 2011 йил 9 августдаги 01-02/743-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга тақдоран қўйилмоқда:

1. Савдо дўкони куриш учун, Нурота шаҳар, Фафур Фулом МФЙ, 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дна 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 45 618 сум.

2. Савдо дўкони куриш учун, Нурота шаҳар, Нурота 60 йиллиги МФЙ, 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дна 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 45 618 сум.

3. Савдо дўкони куриш учун, Нурота шаҳар, Алишер Навоий МФЙ, 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дна 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 45 618 сум.

4. Савдо дўкони куриш учун, Нурота шаҳар, Шахристон МФЙ, 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дна 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 45 618 сум.

5. Савдо дўкони куриш учун, Нурота шаҳар, Бўйдоқ МФЙ, 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дна 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 45 618 сум.

6. Савдо дўкони куриш учун, Нурота шаҳар, Оқ масжид МФЙ, 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дна 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 45 618 сум.

7. Савдо дўкони куриш учун, Нурота шаҳар, Файзулла Хўжаев МФЙ, 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дна 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 45 618 сум.

8. Савдо дўкони куриш учун, Нурота шаҳар, Ибн Сино МФЙ, 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дна 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 45 618 сум.

9. Савдо дўкони куриш учун, Нурота шаҳар, Миришкор МФЙ, 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дна 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 45 618 сум.

